

### Ҳеч бир чора қолдиришмаяпти-ку!

Муаллиф: admin 31/03/2016 в Долзарб, Жамият, Инсон ҳуқуқлари, Хабарлар | 0 изоҳ

Четдагилар эҳтимол бу тузум нураб қолган деб писанд этмас, бироқ МХХ, ИИБ маҳалла, прокуратура.... Шунчалар тезкор ва шавқатсизларча ишлашдики, босимларига дош бериш мушкул. Уларнинг кучи ҳеч нарсага етмаса ҳам биз кабиларни чилпарчин қилишга қурблари етади, бор эътиборларини шунга қаратишган....



Малоҳат Эшонкул

Энди адвокат олишдан ҳам фойда йўқ, негаки, бунингдек ноқонуний ишларнинг бошида ҳукумат бошқарувининг ўзи турибди. Кеча мусодара жараёнида дарҳол 1007 ишонч телефонига ва «02» га қўнғироқ қилдим.... «02» кўтармай қўя қолди. Бош прокуратуранинг ишонч телефони эса «Вақтида жаримани тўлашингиз керак эди» деди холос. «Нега тўларканман, ноқонуний жарималар солинган, тўламайман» деганимча қолавердим. Тўғри Баҳодир мардлик қилиб жарима пулларини тўлашим учун етарлича маблағ жўнатган эди. Меннинг қайсарлигим тутиб, ғайриқонуний жарималарни тўламадим. Негаки, тўлагудек бўлсам, улар бўйнимга бундан-да катта жарималарни минг бир баҳоналар топиб, илишларини жуда яхши билардим. Шу сабаб маблағларни асраб юрдим-юрдим ва қизимнинг тўйига ишлашиб юбордим....Бундан кейин ҳам жарималарни тўлаш мақсадим йўқ, тўламайман ҳам.

Булар менинг оиламда, қизимнинг ҳаётида носоғлом муҳитни юзага келтириш мақсадида атай шундай қилишди. Адвокат олган билан, бекорга чиқим бўлади, холос....

Аслида, суд ижрочиларига менинг компютерим, орг. техникаларим керак эди холос. Айни дамда улар мени нима қилиб бўлса ҳам қамоққа тикиш пайида. Шу сабабдан ҳам флешкаларим борми, модем, фотоаппарат, ноутбук, телевизор..... бирдан орг. техникаларимга ҳужум қилишди.

Мен «Уйнинг эгасини телефон қилиб чақираман, то уй эгаси келмагунча қиритмайман» деб эшикга қулочимни ёзиб туриб олган эдим, 10 та басавлат эркак кишининг олдида менинг нима жоним бор, бир қўл билан кўтариб, четга олиб қўйишди. Бостириб киришди-да, ҳали далолатнома тузмасданоқ фуқаро кийимидаги биттаси ноутбугимни олиб, қучоқлаганча, ташқарига югургилаб кетди. Ортдан, «Ҳой, қаёққа, далолатнома тузмасдан қаерга олиб кетаяпсиз» деганимча қолавердим...

Биттаси модемим, фотоаппаратимни олиб ташқарига ўзини урди, биттаси телефонларимни олиб пастга қараб югургилади, учта бўлиб телевизорга ёпишишди. Битта видеомагнитофон бор эди. Уни ҳам олишди...Барчасини олиб чиқиб кетишгач, кейин далолатнома тузди охирида қолган иккитаси. Унинг ҳам нусхасини беришни лозим топишмади...

Қизим бироз тўлишганлиги сабабли қўлига тилла узиклари кичиклик қилиб қолганлиги сабабли менга бериб қўйганди. Шундоққина трюмонинг тортмасида турганди....

Суд ижрочилар билан келган кишини биргина компютерим қизиқтирди... Ноутбугим ёниқ эди. Адашмасам, улар компютеримдан нимадир топиш иштиёқида. Кеча кечаси ҳам интернет кафега келгандим. Киришим билан ходими ўчираимиз, ёпамиз деб туриб олишди...

Менга Тожибоева тўғрисидаги қуйидаги маълумотларни йиғиб жўнатишганди. Улардан 4-5 таси суд матреалларига киритилмаган. Мен ўша одамларнинг манзилини топишни ва интервью беришга кўндиришларини илтимос қилдим. Менга бу масалада кўмак беришни ваъда қилишди. Аммо сир сақлашимни, кўмак берганлар хусусида чурқ этмаслигимни илтимос қилишди. Матреаллари ва интервьюлар учун 200 сўрашганди. Унамагандим. «100 бера оламан, бундан бошқасига қурбим етмайди, ўзимнинг ҳам харажатларим бор. Ҳали бу матреалларни монтаж ҳам қилиш керак» деб туриб олгандим, рози бўлишганди.... Улар ишга киришиб кетишган бўлишса керак. Нима бўлишдан қатъий назар, монтаж қилинмаган бўлса-да, интервьюларни қизларим матбуотга тарқатишди тайинлаб қўйдим... Шунча мусибатлардан сўнг ҳам шу нарса менга керакмиди деб ўйлаб қолдим....

Бу тузумга бир огиз гап қайтарганларнинг қисматини ўзимнинг мисолимда кўриб турибман....

#### Малоҳат Эшонкул





#### Айни рукнда яна:

Олмония Ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ҳукумати олдида инсон ҳуқуқлари масаласини кўтарди  
Ўзбекистонда исталмаган Абдулазиз Каримга 10 ойда Туркия ватандошлиги берилди  
Баёнот  
Ёки ёмоннинг зўри япалоққа етдим?  
Қирғизистон Ўзбекистон ихтиёридаги сув омборларига даъво қилмоқда  
Қирғизистондаги "адолатли" сайловларда ўзбекларнинг ўрни  
ЖТРК муҳолифатчининг "Ўзбекистон махсус хизматлари" билан алоқаси тўғрисидаги кўрсатувни намоиш қилди

#### ИЗОҲ ҚОЛДИРИНГ

Ваш e-mail не будет опубликован. Обязательные поля помечены \*

Form with fields for Name, Email, Site, and Comment, and a 'Жўнатиш' button.



"Мусича эмас, ХАЛҚ уйғонмоқда"



#### "Қуролсиз кишининг озодлиги"



#### ЭНГ СЎНГИ ИЗОҲЛАР

#### ЭНГ КўП ИЗОҲЛАНГАН

- Ҳеч бир чора қолдиришмаяпти-ку! МАРТ 31, 2016
- Ҳақиқат аҳлининг байрам кўеши тугилган кун... МАРТ 31, 2016
- Озодлик – Тангрининг ҳадяси эрур МАРТ 31, 2016
- Олмония Ташқи ишлар вазири Ўзбекистон ҳукумати олдида инсон ҳуқуқлари масаласини кўтарди МАРТ 31, 2016
- Ўзбекистонда исталмаган Абдулазиз Каримга 10 ойда Туркия ватандошлиги берилди МАРТ 30, 2016
- Баёнот МАРТ 30, 2016
- Ёки ёмоннинг зўри япалоққа етдим? МАРТ 30, 2016

#### РЕКЛАМА

РУКНЛАР	АРХИВ
РУКНЛАР	Архив
Выберите рубрику	Выберите месяц

#### РЕКЛАМА

#### E-MAIL ОБУНА

E-mail киритинг  
Обуна этиш

#### UZBEK.FM.ONLINE RADIO

uzbek.fm.onlinerradio  
1 Мамадали Маҳмуд (Эврил Т...  
2 Каримовдан бошқа барча но...  
3 Ислам Каримовни даволати...

Март 2016

Пн	Вт	Ср	Чт	Пт	Сб	Вс
	1	2	3	4	5	6
7	8	9	10	11	12	13
14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27
28	29	30	31			
« Фев						

#### РЕКЛАМА